

**АНДИЖОН ШАҲРИ АҲОЛИСИДА СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ
ТАРҚАЛИШИ ВА ГЕНДЕРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ (21 ЙИЛЛИК КЛИНИКО-
ЭПИДЕМИОЛОГИК МОНИТОРИНГ)**

Н.С.Мамасолиев,

И.Р.Асқаров,

Н.С. Хақимов,

Б.У. Усмонов

Андижон давлат тиббиёт институти

Долзарблиги

Дунёда 300-400 миллион киши В гепатит вируси билан касалланган ҳисобланади; вирус ташувчисининг тарқалиши турли ҳудудларда 0,2-1% дан (Ғарбий Европа ва АҚШ) то 8,3-15% гача (Узоқ ва Яқин Шарқ ва Африка) ўзгариб туради; популяция ва давлатлар С гепатит вирусининг юқори даражада тарқалганлиги билан ажратилади (100000 аҳолига Японияда- 16%, Зоир ва Саудия Арабистонида 6%, Россияда 9,9%); сурункали D гепатитининг тарқалиш кўрсаткичи ҳам шунга ўхшаш (асосан Африка, Яқин Шарқ, Тайван, Ҳиндистон ва Ўртаер денгизи аҳолиси орасида); кўплаб беморларда ЖЦ ривожланиши билан D гепатити авж олиши кузатилади; йилига 100000 аҳолига 50-200 ҳолатда аутоиммун гепатитининг тарқалиши кузатилади ва у ҳамма сурункали гепатитнинг 20% ни ташкил қилади.

Изланишнинг мақсади. Андижон шаҳри аҳолисида сурункали гепатитларнинг эпидемиологиясини ва гендерлик хусусиятларини ўрганиш.

Изланиш материал ва усуллари:

Андижон вилоятининг катта ёшли аҳолиси орасида проспектив ретротадқиқот олиб борилди. Унда 18 ёшдан катта беморлар текширилди. Тадқиқотга 2000 йил январдан 2020 йил декабргача бўлган даврда сурункали гепатит ташҳиси клиник, саволнома, биокимёвий, инструментал, функционал усуллари билан тасдиқланган барча беморлар қамраб олинди.

Изланиш натижалари. Олинган натижалардан кўринадики, 2000-2020 йй. даврида текширилган $\geq 18-74$ ёшли жами аҳоли популяциясида сурункали гепатит-26,5 фоиз тарқалиш частотаси билан аниқланди, эркакларда-25,2 фоиз ва аёлларда-27,9 фоиздан, яъни, 2,7 фоиз фарқ билан ($P<0,05$) аёлларда кўп тасдиқланди. 21 йиллик текширув йилларида сурункали гепатитларни аҳоли орасида сезиларли даражада - 39,2 фоиздан (2000 йил) 25,4 фоизгача (2020 йил), яъни, 13,8 фоизга, ёки йилига 1,5 фоиздан аниқланиш частотасини камайганлиги қайд қилинди ($P<0,05$). Эркаклар популяцисида

21 йиллик давр оралиғида срункали гепатитларни тарқалиш частотаси 32,4 фоиздан 21,7 фоизгача етиб камайиш тенденцияси билан, аёлларда эса, эркакларга нисбатан 1,9 баробарига кўп сезиларли даражада фарқ билан камайганлиги тасдиқланди ($P < 0,05$).

Хулоса. Текширилган катта ёшли Андижон аҳолиси популяциясида, 21 йиллик аналитик эпидемиологик ретроспектив тадқиқот натижаси кўрсатдики, СГ-26,5 фоиз тарқалиш частотаси билан аниқланди, эркакларда-25,2 фоиз ва аёлларда-27,9 фоиздан, яъни, 2,7 фоиз фарқ билан ($P < 0,05$) аёлларда кўп тасдиқланди.